Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 28 июнь, шанба • № 51 (10.929) • Эркин нархда сотилади

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли журналистлар!

Сизларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан чин юракдан муборакбод этаман.

Журналист деганда халқимиз кўз ўнгида элу юрт қувонч ва ташвишларига шерик, доимо янгиликлар изидан юрувчи беҳаловат инсон намоён бўлади. Шу боис одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст-ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар.

Дарҳақиқат, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, айниқса жамиятни демократлаштиришда матбуотнинг ўрни беқиёс. Келажаги буюк давлат барпо этишга қаратилган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, истиқлол руҳига мос янгича тафаккур тарзини шакллантириш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, халқимиз маънавиятини бойитиш соҳасидаги хайрли ишларда,Сиз қалам аҳлининг муносиб хизматингиз бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон оммавий ахборот воситалари ходимлари зиммасига ҳозиргидек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланмаган. Ҳеч бир замонда оммавий ахборот воситаларига ҳозиргидек эътибор ва рағбат кўрсатилмаган. Негаки, матбуот ҳеч бир замонда мустақиллик давридагидек чинакам миллийлик касб этмаган. Илгари у мустабид тузумнинг халқимиз табиатига ёт ҳукмрон ғоясини тарғиб қилишга маҳкум эди. Бугун ўзбек матбуоти, энг аввало, мустақил мамлакатимиз ва инсон манфаатларининг ҳимоячиси, давлат ва жамият ўртасида холис воситачи сифатида фаолият юритмоқда. Бу жараён ҳар бир журналистдан янада жасур ва фидойи, фаол ва ҳозиржавоб бўлишни, воқеалар қозонида қайнашни, ижодий маҳоратини узлуксиз ошириб боришни тақозо этади.

Ишончим комилки, заҳматкаш журналистларимиз яратилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан самарали фойдаланадилар, демократик ўзгаришларга турлича қарашларни эркин ва ҳаққоний ифодалаш орқали ўзбек журналистикаси нуфузини жаҳон андозалари даражасига кўтарадилар.

Сизларни, жумладан, барча матбаачиларни, босмахона ишчи-хизматчиларини касб байрамингиз — миллий матбуот куни билан яна бир бор қутлар эканман, ҳар бирингизга озод ва обод мамлакатимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда муваффақият, куч-ғайрат, соғлиқ-саломатлик тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

САВДО, МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ВА АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ХОДИМЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Сизларни мустақил мамлакатимизда илк бор нишонланаётган касб байрамингиз — савдо, матлубот кооперацияси ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни билан самимий қутлайман.

Сизнинг хизматингиздан кундалик ҳаётда ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро бевосита баҳраманд. Зеро аҳоли таъминоти, бозорларимиз тўкин-сочинлиги, турмуш маданиятини юксалтириш сизнинг фаолиятингиз билан чамбарчас боғлиқ. Қолаверса, инсон манфаатларини ўйлаб сидқидилдан хизмат қилиш — улуғ савоб.

Диёримизда амалга оширилаётган ислоҳотлар савдо, матлубот кооперацияси, маиший хизмат ходимлари фаолиятига ҳам катта эркинликлар берди. Истеъмол бозорини янада тўлдириш, янги иш жойлари очиш мақсадида кичик корхоналар, савдо ва сервис шаҳобчалари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, шу йўл билан фуқаролик жамиятининг таянчи бўлган ўрта мулкдорлар синфи оёққа турмоқда. Мазкур соҳаларга хорижий сармоялар жалб этиш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали эса Ўзбекистон жаҳон савдо тизимига дадил кириб бормоқда.

Бозор — ҳалол рақобат майдони. Ундан муносиб ўрин эгаллаш, беминнат хизмат кўрсатиб, одамлар дуосини олиш осон эмас. Бунинг учун, авваламбор, билимдон, тадбиркор, маънавий пок ва диёнатли бўлиш талаб қилинади. Ота-боболаримиз буюк ипак йўли бўйлаб эллардан-элларга моддий бойликлар билан бир қаторда илму маърифат ҳам элтганлар. Улардан мерос қолган қадриятлар — тўғрилик, хушмуомалалик каби инсоний фазилатларни қарор топтириш ҳам фарз, ҳам қарз, Лафзи ҳалол савдо ходимининг иши ҳамиша бароридан келади, уни харидор ва мижознинг ўзи қидиради, топгани буюради.

Дунё савдо аҳлининг саъй ҳаракатлари билан маъмур. Ватанимиз равнақи, турмушимиз фаровонлиги йўлида замон талаблари ва аҳоли эҳтиёжига мос, фидокорона меҳнат қилишингизга ишонаман.

Сизларга соғлик-омонлик, тинч-тотувлик, ишларингизга файзу барака тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

TASHPHARM AMERICAN INTERNATIONAL

ҚЎШМА КОРХОНА ДОРИ ТАЙЁРЛАЙДИ

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Қибрай туманида «Тошфарм» — Американ интернэйшнл» ўзбек-америка қўшма корхонаси янги дори-дармон тайёрловчи завод очди.

Бу корхона қурилиши яқиндагина бошланган эди. Бунёдкорлар уни муддатидан аввал фойдаланишга топширдилар. Бу ерда глюкоза ва физэритма сингари ғоят зарур маҳсулотлар тайёрланади. Яқин вақт ичида корхона чиқарадиган дорилар тури 20 тадан ортади.

Дори-дармон корхонаси шу турдаги корхоналар орасида Марказий Осиёда ягонадир. Унинг очилиш маросимида АҚШ ва Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари Стенли Эскудеро, Жан-Клод Ришар, Марказий Осиё-Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси президенти Ричард Бернстром, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Ш. Каримов, Қибрай тумани ҳокими М. Кўччиев сўзга чиқдилар.

М.СОАТОВ.

Суратда: корхонанинг очилиш маросими.

В. ГРАНКИН тасвирга туширган.

Ғолибларни қутлаймиз!

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИ»

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами арафасида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди «Йилнинг энг яхши журналисти» танловига тақдим этилган 1996 йилги ижодий ишларни кўриб чиқиб, ғолибларни аниқлади.

Амиркул Каримов — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги,

Ҳаким Сатторов — «Халқ сўзи»,

Рахмон Қўчқоров — Ўзбекистон телевидениеси,

Абдунаби Ҳайдаров — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» — Республика газета ва журналларида эълон қилинган мақолалари ҳамда телевидение орқали намойиш этилган кўрсатувлар учун **1996 йилнинг энг яхши журналистлари** деб топилди. Улар танловнинг **биринчи мукофоти соҳиблари** бўлди.

1996 йилда самарали ижод қилган қуйидаги журналистлар «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови совриндорлари деб топилди.

Иккинчи мукофот:

Муаттар Асқарова — Ўзбекистон телевидениеси,

Ғофур Жамолов — Ўзбекистон радиоси,

Абдуқаҳҳор Иброҳимов — «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази,

Носир Рихсиев — «Тошкент ҳақиқати»,

Қодиржон Собиров — «Адолат»,

Ғулом Ғофуров — ТошДУ журналистика факультети,

Наталья Шулепина — «Правда Востока»,

Қурбон Эшматов — «Ўзбекистон овози»,

Учинчи мукофот:

Шермат Алломов — «Қишлоқ ҳаёти»,

Анна Иванова — Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги,

Мурод Калонхонов — «Муштум» журнали,

Мирмуҳсин Мирзокиров — Тўрақўрғон тумани «Машъал» газетаси,

Бўронбек Қудияров — «Нурли жол» газетаси,

Абдумутал Норбоев — «Иқтисод ва ҳисобот» журнали,

Сафар Оллоёров — Ўзбекистон радиоси,

Тўхтамиш Тўхтаев — «Овози тожик» газетаси,

Аллабой Утеулиев — «Ёрқин Қорақалпоғистон» газетаси,

Норинисо Қосимова — Сирдарё вилояти «Адолат кўзгуси» газетаси,

Файзи Ҳайдаров — Ургут тумани «Зарафшон» газетаси,

Муҳаббат Ҳамидова — «Гулхан» журнали.

(ЎзА).

Замон ва фармон

ЎЗ ҲУҚУҚИН АНГЛАСА ИНСОН

«...Аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали маданиятнинг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги ҳуқуқий онгни шакллантириш талаб этилади. Бу жамиятнинг тўғри, демократик йўлдан ривожланиши учун зарур». Президентимиз Ислом Каримов шу йил 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув чоғида ана шундай деган эдилар. 25 июнда эса юртбошимиз «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги Фармонга имзо чекди. Мазкур фармонни аввалги учрашувнинг мантиқий давоми десак янглишмаймиз. Айтиш мумкинки, ўша мулоқотда ўртага ташланган вазифалар эндиликда ҳужжат мақомига эга бўлди.

Чиндан ҳам тараққиётимизнинг ҳозирги пайтдаги босқичида юксак ҳуқуқий тафаккур жамиятимизнинг зарур эҳтиёжи бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам 25 июнда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуман «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусига бағишланди. Унда вилоят ҳокимлиги бўлимлари, бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари муовинлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, олий ўқув юртлари, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Наврўз», «Камолот» жамғармалари вилоят, шаҳар, туман бўлимлари вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

Суратда: анжуман қатнашчиларидан бир гуруҳи.

Даврон АҲМАД олган сурат.

АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

Вилоят матбуот бошқармасида Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган йиғилиш иштирокчилари ана шундай фикрни айтдилар.

ШАҲАР, туман босмахоналари жамоалари ва матбаачилар иштирок этган бу йиғилишда сўзга чиққан вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Шавкат Миралимов, Бекобод шаҳар босмахонаси директори Рафаджон Бахромов, вилоят «Наврўз» нашриёти директори, ёзувчи Тўлқин Эшбек, Ангрен шаҳар босмахонаси директори Юрий Югай, вилоят матбуот бошқармаси бош муҳандиси Михаил Кравчук ва бошқалар китобда кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар эканлар, ушбу асарни мустақил республикамизнинг тарихи, бугуни ва эртасини таҳлил этиб берган дастуруламал деб баҳолашди.

Ф. ФАТТОҲОВ.

МАТБУОТЧИЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни амалга ошириш, истиқлол мафкурасини, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўрни беқиёс ортмоқда. Уларнинг меҳнатини қадрлаш, эъзозлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг ташкил этилиши, журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган қонунларнинг қабул этилганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Пойтахтимиздаги «Тошкентлэнд» истироҳат боғида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини нишонлашга бағишлаб ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз борди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини республика Президенти девони Ахборот маркази раҳбари С. Ҳакимов ўқиб берди. Йиғилишда сўзга чиққан Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов ва бошқалар ҳамкасбларини байрам билан қутлаб, уларнинг ватанимиз равнақи йўлидаги ижодий фаолиятига муваффақият тилади. Қалам аҳлига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирилди.

Байрам қатнашчилари Ўзбекистон матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди ўтказган «Йилнинг энг яхши журналисти» танлови ғолибларини муборакбод этдилар.

Маросимда Президентнинг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

(ЎзА).

Қадрли ҳамкасбимиз Носир РИХСИЕВ!

Сизни юксак унвон билан табриклаб, янги ижодий зафарлар тилаймиз!

Иқтисодий ислоҳот одимлари

ХИФлар ДИВИДЕНД ТЎЛАШГА КИРИШАДИЛАР

Қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш маркази томонидан амалга оширилган ишлар натижалари миллий аҳамият касб этаётир. Республикамизда қимматбаҳо қоғозлар билан операцияларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатнома олган 56 та ХИФ ва 65 та бошқарув компанияси ишлаб турибди. Пойтахт вилоятимизда ҳам қатор шундай ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтга келиб ХИФлар аҳолидан деярли 125 миллион сўм йиғиб олдилар. Ўз маблағларини бу фондларга қўйган меҳнаткашлар сони 100 мингга яқинлашди. Махсус ўтказилган кимошди савдоларида шу йиғилган сармоялар ҳисобига хусусийлаштирилган корхоналарнинг давлатга тегишли бўлган ва сотишга чиқарилган акциялари харид қилинди яъни уларга инвестиция қилинди. Натижада ХИФларнинг бошқарув компаниялари қимматли қоғозлари сотиб олинган корхоналарни бошқаришда иштирок этишга киришдилар.

Умуман ўтказилган 10 та кимошди савдосида ХИФлар томонидан акциялари харид қилинган хусусийлаштирилган корхоналарнинг сони юзтага яқинлашиб қолди. Бунинг учун 550 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Уларнинг 90 миллион сўмдан ортиғи ХИФларнинг маблағлари орқали тўланди, қолган қисмига давлат кредити жалб қилинди.

Айрим ХИФлар ҳозирнинг ўзидаёқ дивидендлар тўлашни бошлаш учун ҳозирлик кўрмоқдалар. Эмиссияни тугатган «Капитал», «Файкон», «Туркистон», «Камолот» ва бошқа фондлар миллион сўмлаб дивиденд олдилар. Дастлабки ҳисобларга қараганда, тўланадиган дивидендлар миқдори ҳар бир акция ҳисобига 25 фоиздан 100 фоизгача тўғри келади.

Бир сўз билан айтганда, ХИФлар орқали акциялар сотиб олган, ўзининг ортиқча маблағларини улар ихтиёрига топширган фуқаролар қўшимча даромад манбаига эга бўладилар. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида хусусийлаштириш инвестиция фондларини амалга ошириш бўйича 1997 йилнинг биринчи ярим йиллиги натижаларига бағишлаб ўтказилган навбатдаги матбуот конференциясида юқоридаги масалалар ҳақида гапирилди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

САҲНАДА — ЭГИЗАКЛАР

ТАБИАТ мўъжизаси кишини лол қолдиради... Яқинда Бекобод шаҳрининг сўлим масканларидан бирида ташкил этилган «Эгизаклар кўрик-танлови»ни томоша қилганда юқоридаги фикр хаёлга келди.

Икки томчи сувдек бир-бирига ўхшаш, турли миллат вакилларидан иборат бўлган 14 нафар эгизак саҳнага чиққанларида одамлар олқиши авжига чиқди. Фотима—Зуҳра Зариповалар, Лилия ва Светлана Козлянскаялар ҳамда бошқа эгизакларнинг ўйинлари, қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Кўрик сўнггида «Камолот» жамғармаси туман бўлими ҳамда Бекобод цемент заводи касаба уюшмаси ҳомийлар сифатида барча эгизакларга баб-баравар совғалар улашдилар.

Жўра МАҲМУД.

29 июнь — Савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари куни

ЭЛГА ХИЗМАТ — САВОБ

Республикамиз Президенти Фармони билан июнь ойининг сўнгги якшанбаси савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг куни деб эълон қилинган. Савдо ишига алоқадор барча юртдошларимиз бу кунни ўзларининг касб байрами сифатида кенг нишонламоқдалар.

Халққа хизмат қилишдан, элнинг мушкулини осон этишдан ортиқ бахт йўқ. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари ана шундай бахтга ҳар соат ва ҳар дақиқада мушарраф бўлаётган инсонлардир.

Республикамиз мустақиллиқка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислоҳотлар савдо соҳаси фаолиятига ҳам чуқур кириб борди, уларга замонга хос суръат ва сифат бахш этди. Мамлакатимизда янгича савдо муносабатлари қарор топа бошлади. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик, тўғрилик ва ҳалоллик, инсоф ва диёнат савдо ишининг мезонига айланиб боряпти. Зеро, ушбу инсоний фазилатлар аждодларимиздан мерос бўлиб қолган тижорат ишларига хос таомиллардир. Шукурки, боболаримиздан қолган ушбу анъаналар кундалик турмуш тарзимизга кун сайин чуқур илдиз отиб, умуммиллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Умуман айтганда савдо, матлубот кооперацияси ва маиший хизмат соҳаси ходимлари ҳамиша эл хизматига елка тутиб, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиб келмоқдалар.

«Тошкентвилоятсавдо» акциядорлар компанияси жамоаси ва унинг қуйи ташкилотлари ходимлари ҳам ўзларининг касб байрамларини муносиб кутиб олмоқдалар. Уларнинг асосий эътибори аҳолини энг зарур моллар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлашга қаратилган қарорни изчиллик билан бажаришга йўналтирилгандир. Бу борада тизимдаги барча савдо корхоналари ходимларининг муносиб улуши бор. Улар ўтган йил ва шу йилнинг ўтган ойларини яхши якунлашга эришдилар. Ходимларимиз айниқса, «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган йилда эл-юрт дастурхонини тўкин-сочин қилишни ўзларининг шарафли бурчлари деб билмоқдалар.

Умуман, байрам баҳона фахрланса ва қувонса арзийдиган ибратли ишларимиз кўп. Аммо бозор муносабатлари шароитида савдо иши нечоғлиқ масъулиятли ва оғир юмуш эканлигини кундалик фаолиятимизда кўриб-билиб турибмиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, «борини асраб-авайлаш, йўғини яратиш» учун олдинда ҳали амалга ошириладиган ишлар кўп. Шу сабабли ҳам аҳолини зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш билан бирга савдо маданиятини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатишда тартиб ўрнатиш бўйича барча чора тадбирларни кўрамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз ҳамкасбларимни келаётган байрам билан табриклаб, уларнинг эзгу ва савобли ишларида катта омадлар тилайман. Биз халқ учун хизмат қилар эканмиз, бу хизматимиз умримизнинг мазмунига айланган экан, ушбу байрам фақат соҳа вакилларининггина эмас, балки бутун эл-юртнинг ҳам байрамидир. Бундай байрамлар кўп бўлаверсин. Зеро, халқимизнинг яхши кунларида уларга бел боғлаб хизмат қилиш ҳамиша ҳамкасбларимизга насиб этаверсин.

Байрат ТУРСУНОВ,
«Тошкентвилоятсавдо» акциядорлар компСанияси раиси.

УЗ ҲУҚУҚИН АНГЛАСА ИНСОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Конференцияни вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг муовини С. Хўжаева бошқарди.

Анжуманда маъруза қилган ва сўзга чиққан нотиқлар гапларини таҳлил этиб, эълон қилинган Президентимиз фармонига нисбатан билдирилган ўзига хос муносабат деб атасак, хато бўлмайди. Чунки, аҳолининг 54 фоизини аёллар ташкил этадиган бизнинг вилоятимизда ҳам ҳуқуқий маданиятни, ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб қилиш, ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш замон тақозосига айланди. Айниқса, инсон манфаатлари йили деб эълон қилинган жорий йилда юқоридаги муаммолар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўйланган мақсадга эришмоқ учун нима қилмоқ керак? Президентимиз таъкидлаганидек, аҳолига чуқур ҳуқуқий билим беришни йўлга қўйиш, бу орқали ҳуқуқий маданиятнинг юксалишига эришиш, жамиятнинг барча қатламларида, хусусан, хотин-қизлар орасида ҳуқуқий онг тамойилларини рўёбга чиқариш учун бундан буён саъй-ҳаракатларимизни обдон жадаллаштиришимиз керак бўлади.

Биз кейинги пайтларда кўпинча ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш деган ибораларни ишлатяпмиз. Бу йўналишдаги тадбирларни кўзланган савияда адо этиш учун том маънода халқ ичига кириб бориш керак. Турли авлод вакиллари билан мулоқотларда нима учун ҳуқуқий тамойиллар айни вақтга келиб долзарблик касб этганлигини тушунтириш лозим. Маълумки, тарбия кенжа ёшдан бошлаб шахс онгига сингдирилиши керак. Шу маънода ҳали бизнинг мактабларимизда, олий ўқув юртларимизда бу масала ўзининг лозим даражадаги қиёфасига эга бўлмоқда, деб айта олмаймиз. Олдимизда турган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ҳуқуқшунос кадрлар тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тақозо этиларди. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг янги фармонида ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, маънавий ва маданий ривожланишнинг устивор йўналишларини белгилаш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янги мазмун билан бойитиш, жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Фармонда қайд қилинганидек, эндиликда «Ижтимоий фикр» деб аталадиган жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тузилади. Унинг ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этиладиган «Ўзбекистонда жамоатчилик фикри» даврий журнали чиқа бошлайди. Боз устига Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази, вилоятлар, шаҳарлар, туманларда унинг бўлимлари фаолият кўрсатади. Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш маркази бўлажаклиги ҳам қувончли бир ҳолдир. Унда адлия, суд, прокуратура, адвокатура, давлат бошқаруви идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ходимлари ўқитилади.

Яқин-яқинларгача айрим одамлар ўзларига нисбатан адолатсиз муносабатда бўлинган пайтларда қаерга шикоят қилишини билмай, сарсон-саргардон бўлиб юрардилар. Президент Фармонига асосан Адлия вазирлиги тизимида фуқароларнинг адлия ва суд идоралари ходимларининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларини кўриб чиқадиган алоҳида бошқарма тузилажаклиги тўғрисидаги режа ҳам кишиларни ғоят қувонтирди. Шу билан баробар илмий-оммабоп адабиётлар, кўргазмали қўлланмаларни кўплаб нашр этиш эндиликда оддий бир воқеага айланади. Улар қийматининг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан қопланажаклиги тўғрисидаги сатрлар ҳам давлатимизнинг инсонлар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга жуда катта аҳамият бераётганлигидан далолатдир.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда баайни юқоридаги масалалар атрофида сўз юритилди. Республика меҳнат вазирлиги ҳуқуқий инспекцияси бошлиғи А. Рисқуллаев, ижтимоий таъминот вазирлиги масъул ходими Р. Тўхтамишевалар бевосита ҳаётий тажрибалар асосида кундалик турмушимизда учрайдиган ҳолатларни ҳал этиш йўл-йўриқлари, қонуний йўналишлар борасида гапирдилар. Тошкент юридик институти профессори Ф. Отахўжаев «Аёл ва оила», шахсий ва мулкий муносабатларда қонуний ечимлар қўлланилиши хусусида тўхталди. Тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидаги тарих институти бўлими бошлиғи Д. Алимова узоқ ўтмиш — соҳибқирон Амир Темур давлатчилигида амал қилинган қонунлар тўғрисида, ўша даврларда ҳам хотин-қизлар нуфузи юқори бўлганлигига оид қизиқарли маълумотлар келтирди.

Бирон-бир давлат якка ҳолда — ер юзидаги бошқа мамлакатлар билан алоқа қилмай, ҳамкорликда бўлмай яшай олмайди. Жаҳон ҳамжамиятига муносиб аъзо бўлган Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан буён халқаро қонунлар мажмуасидаги ҳолатларга мослашиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Фалсафа фанлари номзоди доцент Ж. Шермуҳамедова, Тошкент юридик институти халқаро ҳуқуқ кафедраси мудири А. Маматқуловлар республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги тутган ўрни, халқаро конвенцияларда ифода этилган ҳолатлар моҳитига мослашиш юзасидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларимиз тўғрисида гапирдилар.

Дадил айтиш мумкинки, эски замон ақидаларидан халос бўладиган вақт етиб келди. Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш йўналишида қўйиладиган қадамларимиз, иншооллоҳ, самарали бўлади, деб ўйлаймиз.

Раҳимберди УМАРОВ.

УЛАРНИ МАТЛУБОТЧИЛАР ДЕЙИШАДИ

● Ислоҳотлар жараёни матлубот кооперацияси тизими фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар ясади. «Тошкоопбирлашув» тизими йилнинг ўтган даврида 43068 тонна ун, 2688 тонна ўсимлик ёғи, 1166 тонна хўжалик совуни, 3327 тонна гуруч, 3917 тонна шакар, 586 тонна туз, 264 тонна макарон ва бошқа маҳсулотларни вилоят аҳолисига етказиб берди.

● Истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида марказлашмаган манбалар ҳисобидан 93 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари аҳолига сотилди. Вилоятдаги ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган 11,8 миллион сўмлик маҳсулот савдога чиқарилди.

● «Тошкоопбирлашув» тизимидаги ишлаб чиқариш корхоналарида қарийб 389,8 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 102,7 фоизни ташкил этади. Умумий мол алмашувининг 29 фоизи тизим корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

● Вилоят аҳолисининг истеъмол талабини қондириш учун тизимда 14 та новвойхона, 70 дан зиёд озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган беш ойида аҳоли дастурхонига 14652 тонна нон ва нон маҳсулотлари, 84 минг деколитр алкоголсиз ичимликлар, 60 тонна музқаймоқ, 129 тонна қандолат маҳсулотлари, 26 тонна колбаса, 76 минг шартли банка консерва маҳсулотлари, 475 тонна макарон етказиб берилди. Булардан ташқари 4 млн. 234 минг сўмлик ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқарилди.

● Йил бошидан бери 7 та кичик новвойхона қуриб ишга туширилди. Миллий нон ишлаб чиқариш салмоғи 6 фоиздан 25 фоизга кўтарилди. «Матлубот» ҳиссадорлик жамиятида кунига 9 тонна макарон ишлаб чиқарадиган узлуксиз линия ишга туширилди. Вилоятнинг турли жойларида 27 та кичик тегирмон ўрнатилди.

● Чет эл сармоядорлари билан алоқалар йўлга қўйилди. Ирландиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда «Тош-зарт» қўшма корхонасига асос солинди. Бу корхона калиш ишлаб чиқариш ва терини қайта ишлашга ихтисослашган. Қибрай посёлкасида бир маротаба ишлатиладиган идишларда шарбатлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Вордаворд-КТК» қўшма корхонаси эронлик тадбиркорлар билан бирга ташкил қилинмоқда. Туркия билан ҳамкорликда «Тошкоопбирлашув» Тур супермаркет» қўшма корхонаси ташкил қилиняпти.

● «Қовунчи» ҳиссадорлик жамиятининг консерва цехи чет эл технологияси асосида қайта таъмирланмоқда. Қуйичирчиқ туманида алкоголсиз ичимликлар ва музқаймоқ, Оққўрғон, Юқоричирчиқ туманларида макарон, «Олмазор» хўжалигида қандолат цехлари, Оҳангарон, Чиноз туманларида кичик новвойхоналар ишга туширилди. Паркент ва Бўстонлиқ туманларида Исроилнинг қадоқлаш ускуналарини ўрнатиш борасида иш олиб бориляпти.

● Тизимдаги ёрдамчи хўжаликларда 198,3 тонна картошка, 615,6 тонна сабзавот, 45,1 тонна мева, 101,2 тонна гўшт, 93,5 минг дона тухум етиштирилиб, асосий қисми аҳолига сотилди.

● Тизимдаги ташкилотларда йилнинг беш ойи давомида 9,6 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Қурилиш-монтаж ишларига 8,3 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 3,5 миллион сўмлик асосий воситалар ишга туширилди. 790 та дўкон жорий, 25 таси капитал, 10 таси қайта таъмирланди, 2 та ошхона ва дўкон янгидан қурилиб ишга туширилди.

● Янгийўл туманида деҳқон-фермер ва шахсий хўжаликларда етиштирилган маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва четга жўнатиш билан шуғулланадиган улгуржи бозор ташкил этилди.

Суратда: Қуйичирчиқ тумани «Зафар» ҳиссадорлик жамияти раиси Мирзаали Бердибеков ва уста Назокат Қосимова.

ҚИЙИН, ЛЕКИН ХАЙРЛИ

◆ Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 399-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят маиший хизмат уюшмаси туман ва шаҳарларда бир қатор ишларни амалга оширди. Барча шаҳар ва туманларда уюшмалар ташкил этилди.

◆ Маиший хизматни ривожлантириш дастурига кўра ўтган йили 377 та янги шахобчалар очилиб, уларда 510 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди. 887 шахобча вилоят уюшмасига аъзо қилиб олинди.

◆ Йилнинг ўтган ойларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сон жиҳатдан ўсиб, сифат жиҳатдан анча яхшиланди. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 1 млн. 845,9 минг сўмликка етди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 9,9 фоиз кўпдир.

◆ Пуллик хизматлар кўрсатишда нодавлат сектори салмоғи ўсиб, 876,3 миллион сўмликка етди, ёки пуллик хизматлар умумий ҳажмига нисбатан 47,5 фоизни ташкил этди.

◆ Маиший хизмат ҳажми 272,8 миллион сўмга етиб, ўсиш суръати ўтган йилдагига нисбатан 124,9 фоизни ташкил қилди. Маиший хизматда нодавлат сектори салмоғи 253,2 миллион сўм ёки умумий ҳажмнинг 92,8 фоизига тўғри келди.

◆ Вилоят бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 809 сўм бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори — амалда

НУРОНИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

«НУРОНИЙ» жамғармаси Тошкент вилоят бўлимида Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ғамхўрлик дастури ишлаб чиқилди.

Вилоятимизда 210 минг нафардан кўпроқ нафақадор бор. Шундан 54 минг нафари жанг-гоҳ ортида ишлаган ҳамда боқувчисини йўқотган кишилар саналади. Айни дамда ана шундай ёрдамга муҳтож кишиларнинг эҳтиёжлари ўрганилмоқда. Ўртачирчиқ туманида бу ишлар 15 июлгача тугаллана-ди. Бўстонлиқ ҳамда Зангиота туманларида ушбу дастур юзасидан жадал ишлар ташкил қилинган.

Бундан ташқари уруш қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийларининг соғлиқларини тиклаш учун тиббиёт муассасалари, санаторияларга тавсияномалар тайёрланмоқда. Шунингдек, «Нуроний» жамғармаси шаҳар ва туман бўлимлари, «Маҳалла», «Камолот» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказлари билан ҳамкорликда мустақиллиқни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, маҳаллаларнинг бугунги масъулияти каби мавзуларда тадбирлар уюштирмоқда. Бу, шубҳасиз ёшларга ўрнак бўлади.

Валий МУҲАМЕДОВ.

Ғалла мустақиллиги учун

БАЛЛИ, «ТУРОН»!

Эрта қилинган ҳаракат — бугунги кунда барокат бўлиб, ҳаммани қувонтирди. Қибрай туманидаги «Турон» жамоа хўжалиги 300 тоннадан ортиқ дон топшириб, йиллик режани бажарди. Ҳосилдорлик 42 центнерга етди. Олди ғаллакорлар гектаридан 50-55 центнердан хирмон кўтардилар.

Н.ИСАЕВ.

◆ Ўтган куни вилоят хўжаликлари ғаллазорларида 495 та, шу жумладан, 44 та «Кейс» комбайнлари билан ғалла ўрилди. Бир кунда 3478 гектар, мавсум бошидан бери эса 36 минг 597 гектар майдондаги дон саранжомлаб олинди.

◆ Ҳар бир комбайн билан бир кунда ўртача 7 гектар, «Кейс» комбайнлари билан 21,5 гектар ердаги ғалла ўриб-йиғиб олинди. «Кейс» комбайнлари билан бир кунда жами 945 гектар, мавсум бошидан бери эса 10 минг 629 гектар майдондаги ғалла ўрилди.

◆ Шу кунгача ғалласи ўрилган майдонлардан 130 минг 940 тонна дон янчилди. Ҳар бир гектар ердан олинган ҳосил 35,8 центнерни ташкил этди.

◆ Вилоят хўжаликлари шу кунгача давлатга 90 минг 252 тонна дон сотдилар. Ҳар куни давлат хирмонларига 8300 тоннадан ортиқ юқори сифатли ғалла етказиб бериляпти.

◆ Қибрай, Зангиота, Юқоричирчиқ, Тошкент туманларида ҳосилдорлик гектар бошига 40—43 центнерни ташкил этмоқда.

◆ Давлатга дон сотиш бўйича вилоятда биринчи бўлиб режани бажарган Тошкент туманидан сўнг Чиноз, Зангиота, Янгийўл, Қибрай туманлари хўжаликлари ҳам марра сари яқинлашиб келмоқдалар.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Ҳар йили ғалла ўрими чоғида уйилган улкан хирмонларни кўрганимда, кўнглимга беҳад ёқиб, муҳрланиб қолган қўшиқдаги қуйидаги сатрлар ёдимга тушаверади:

Хирмон тўла тўкилди дон, момо,
Тандир тўла ёпилди нон, момо.

Шу икки қаторгина байтнинг ўзида она заминга, ризқ-рўз яратган бобо деҳқонга бўлган чексиз меҳр, ифтихор мужассам топган эмасми, ахир.

Йўқ, чиндан ҳам фақат меҳр, ифтихор туйғусигина эмас, машаққатли меҳнатдан завқланиш, дастурхонимизга ато этилган тўкинлик, файз-барака қувончлари бу сўзлар мазмунига сингиб кетган. Ҳар бир ғаллакор, айни пайтда Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий номли жамоа хўжалиги дон етиштирувчилари ҳам бугун ана шундай туйғулар оғушидалар.

Хўжаликда ўтган йили кузда 718 гектар ерга ғалла экилган эди. Шу кунларда ҳар гектар майдондан 45 центнердан дон йиғиб олинмоқда. Жамоа хўжалиги раиси Шариф Эргашев бизга бош мутахассислар Ўрол Раҳимбердиев, Дониёр Туришбеков, бригада бошлиқлари — Алишер Олтоев, Абдуваҳоб Тойлибоев, Руслан Цой, шунингдек, комбайнчилар Жумадилла Пардабоев, Игорь Ким, Собит Алимқуловлар мавсумда фидокорлик кўрсатаётганликлари ҳақида алоҳида самимият билан гапириб берди.

Хўжаликда ўримни уюшқоқлик билан ўтказишда олдиндан ишлаб чиқилган тадбирлар қўл келмоқда. Унга кўра механизаторларга иш жойининг ўзида иссиқ овқат ташкил этилди, меҳнатларига ўз вақтида ҳақ тўлаш йўлга қўйилди.

Буларнинг ҳаммаси хўжаликда ишнинг муваффақиятини таъминламоқда.

Саидвали ҲАСАНОВ.

Суратларда: хўжалик дала ва хирмонлари ҳаётидан лавҳалар.
Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

«БИР ДАВЛАТ — ИККИ ТУЗУМ»

Шу йилнинг 1 июль куни Гонконг яна Хитой тасаррруфига ўтади.

1997 йилнинг 1 июли Хитой тарихида энг йирик воқеа бўлиб қолади. Чунки, айнан шу кун Хитой Халқ Республикаси Гонконг узра ўзининг тўлиқ назоратини ўрнатади. Бу воқеа бир миллиард икки юз эллик миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётган Хитойда йирик миллий байрам даражасида нишонланади. Тантаналар пойтахт Пекинда ва Гонконгнинг ўзида ҳам катта сиёсий тадбир сифатида ўтказилади.

Шу тариқа Хитойнинг таниқли давлат арбоби Дэн Сяопининг Гонконг Хитой назоратига ўтгач, «бир давлатда – икки тузум» қарор топади, деган ғояси энди рўёбга чиқадиган бўлди. Бироқ, Хитойдаги туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг «меъмори» бўлган Дэн Сяопин шу қутлуғ кунларгача етиб келмади.

Гонконг муаммосининг бугунги сиёсий моҳиятини ва унинг келгуси XXI асрдаги истиқболларини англамоқ учун ўтмишга, янги тарихнинг суронли даврига чуқурроқ назар ташлаш керак. Гонконг сиёсий ва тарихий манбаларда Сянган номи билан ҳам аталади. «Сянган» номининг ўзбекча маъноси «Хушбўй ўлкалар соҳили» ёки «Хушбўй маҳсулотлар кўрфази» деган иборадир. Сянган, яъни Гонконг 1898 йилдан 1997 йилнинг 1 июлигача, демак 99 йил мобайнида Буюк Британиянинг Шарқий Осиёдаги, аниқроғи Жанубий Хитой денгизи соҳилидаги ер мулки бўлиб келди. Ҳудуди 1066 кв.км. бўлган Сянганда ҳозир қарийб 7 миллион аҳоли истиқомат қилмоқда.

Инглиз мустамлакачилари 1842 йилда Гонконг (Сянган) оролини босиб олади. Кейинчалик ғарб истилочилари Хитойнинг Цзюлун (Коулун ҳам деб аталади) ярим оролининг бир қисмини забт этди. Буюк Британиянинг янги-янги истилоларидан чўчиган Цин империяси 1898 йилнинг 1 июлида «Гонконг ҳудудини кенгайтириш ҳақидаги битим»га имзо чекишга мажбур бўлади. Бу аҳдномага мувофиқ, инглизлар илгари босиб олган ҳудудга нисбатан 10 баробар каттароқ бўлган «янги ҳудудлар»ни эгаллайди. Цзюлун ярим оролининг қолган қисмидаги 235 та ороллар билан қўшиб олинган айнан шу ҳудудлар Сянган ўлкасини ташкил этар эди. Ўша замонларда Британия ушбу «янги ҳудудлар» деб аталган жойни 99 йил муддатга ижарага олган эди. 1941 йилнинг декабрида Япония қуролли кучлари Сянганни тўлиқ эгаллади. Шу тариқа бир истилочи ўрнига иккинчи истилочи келди. Япония Гонконгни 3 йилу 8 ой мустамлака қилган. 1945 йилнинг августида эса Британия яна Сянганни қайтадан қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Гонконг масаласи бир неча бор кўтарилган эди. Аммо, йирик давлатларнинг, айниқса, АҚШнинг Сянган муаммосида ўзининг ҳарбий-сиёсий иттифоқчиси бўлмиш Англияни қўллаб-қувватлаганлиги Хитойнинг халқаро имкониятларини бутунлай чеклаб қўйди. Бундан ташқари 40-йиллар охирлари, 50-йиллар бошларида Хитойда юз берган ички сиёсий ихтилофлар ва ҳокимият учун кураш Гонконг муаммосининг ҳал этилиши учун шароит яратмади.

Хўш, нима учун Ғарб Гонконгни қўлдан чиқаргиси келмади, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири Гонконгнинг қулай жўғрофий маконда эканлигидир. Гонконг – йирик савдо, саноат ва молия марказидир. У валюта – молия операцияларида капиталистик дунёдаги етакчи ўринлардан бирини эгаллаган. Жаҳон савдосида Гонконгнинг улуши алоҳида эканлигини таъкидлаш ўринли. Унинг йиллик маҳсулот айирбошлаш ҳажми 50 миллиард доллардан ортади.

Шарҳловчи минбари

Сянган ўлкасида 50 мингдан кўпроқ фабрика ва заводлар, 300 га яқин халқаро ва маҳаллий банк муассасалари бор. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 85-90 фоизи хорижга жўнатилмоқда. Кейинги ўн йилликларда Британия капитали Гонконгнинг ҳаво транспорти, алоқа ва маиший хизмат жабҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган бўлса, АҚШ сармояларининг бу ерга кириб келиши натижасида ишлаб чиқариш соҳаси юксак ривожланди. Япония капитали эса Гонконгнинг транспорти, кемасозлиги, кема таъмирлаши, тўқимачилиги ва электрон техникасининг тез юксалишига олиб келди. Бугунги кунда эса Гонконгнинг иқтисодий-молиявий ҳаётида «катта еттилик» давлатларидан ташқари Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлатлар, хусусан – Сингапур, Малайзия, Таиланд, Индонезия каби мамлакатлар ҳам катта ўрин эгаллаб келмоқда. Айнан шу давлатлар билан биргаликда барпо этилган қўшма корхоналар сони ортяпти.

Яна бир эътиборли томони, 80-йиллар охири ва 90-йилларда Гонконг иқтисодиёти чет эл сармояси таъсирида жаҳон ҳавас қилса арзийдиган даражада гуллаб яшнади. Масалан, Гонконгда йиллик даромад киши бошига 24 минг АҚШ долларини ташкил этмоқда. Англияда бу кўрсаткич 16 минг Америка долларини ташкил этса, Хитойнинг ўзида бу таққослаш 800 доллардан ошмайди. Ёки яна бир муҳим ҳолат: кейинги пайтда Хитой ҳар йили четдан 40 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя жалб қилмоқда. Хитойдаги мавжуд қўшма корхоналарнинг учдан икки қисми Гонконг компаниялари ёрдамида барпо этилаётганлиги бу «жажжи» орол ва ярим оролнинг иқтисоди қанчалик юксак даражада ривож топганидан далолат беради.

Умуман, Гонконг Хитой тасарруфига ўтгач, бу мамлакатнинг иқтисодий тармоғида катта ўзгаришлар бўлиши шубҳасиз. Дарвоқе, ҳозир ҳам Сянган ўлкаси Хитойнинг савдо, молия ва банк тизимида катта салмоққа эгадир. Сянганда Хитой улуши 4 миллиард долларни ташкил этмоқда. Бу ерда Хитойнинг 250 га яқин корхоналари, савдо марказлари, тўқимачилик тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Сянган молия бозорининг 40 фоизигача бўлган қисмини назорат қилувчи Хитой халқ банкининг шаҳобчалари ишлаяпти. Энди Хитой бу имкониятни бевосита хориж билан амалга оширишга интилади.

Яна Гонконг масаласининг сиёсий жиҳатлари хусусида Хитой билан Буюк Британия ўртасида узоқ йиллар олиб борилган музокаралар натижасида 1984 йилнинг 19 декабрида Пекинда Гонконг бўйича қўшма декларация имзоланди. Айнан шу Хитой – Англия аҳдномасига мувофиқ ХХР 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб Сянган устидан ўзининг суверенитетини амалга оширади. Оддийроқ қилиб айтганда, Буюк Британия 99 йилдан сўнг Сянганни ўз эгасига, яъни Хитойга қайтариб берди. Қўшма декларацияда таъкидланганидек, Сянганнинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги қонунлари, аҳолисининг турмуш тарзи ва умуман шу давргача шаклланган тузум 50 йил мобайнида ўзгаришсиз қолдирилади. Шунингдек, Сянган эркин бандаргоҳ (порт) мақомини сақлаб қолади. «Бир давлат, икки тузум» маъносидаги сиёсий ғоянинг негизи ҳам Хитойнинг ягона бўлиши, айни пайтда Гонконгдаги капиталистик муносабатлар сақлаб қолинишида ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам Гонконг эндиликда Хитойнинг алоҳида маъмурий ҳудуди, деб эълон қилинди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ Сянганга 200 дан ортиқ Хитой қуролли кучларининг киритилганлиги мудофаа, хавфсизлик ва ташқи сиёсат Пекин қўлига ўтганлигини кўрсатмоқда.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сянган (Гонконг) масаласининг тинч йўл билан муваффақиятли ҳал этилганлиги Хитойнинг ҳудудий яхлитлигини таъминлаш учун йўл очди. Бундан буён Тайвань ва Макао (Аоминь) муаммосининг адолатли ҳал этилишида ҳам «бир давлат – икки тузум» ғояси ўзини оқлаши мумкин. Қолаверса, Сянган масаласининг ижобий ечилганлиги дунёдаги қудратли давлатлар, айниқса ядровий мамлакатлар (Хитой, Буюк Британия) жаҳон барқарорлиги йўлида биргаликда кураша олишларини яна бир бор исботлади. Зеро, бу ҳаракат фақат Осиёда эмас, балки бутун дунёга тинчлик олиб келиши мумкин.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Суратда: 1984 йил, Пекин. Тарихий ҳужжатни имзолаш пайти.

ДУШАНБА, 30

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Каттақўрғон тумани «Зарафшон» халқ ансамблининг концерти.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Биз танлаган касб».
9.30 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Михаил Супонин. «Кел, дўст бўлайлик». Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.10 «Ҳамкорлик ришталари».
11.35 «Фил полвон оғриб қолди», «Жасур бўлиш осонми?» Мультфильмлар.
11.55 «Спорт масканларида».
12.20 Болалар учун концерт.
12.45 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.10 «Кин-дза-дза». Бадиий фильм. 2-серия.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.35 «Биламиз-у, аммо..»
18.55 «Қўшиқ ёзувчи шоирлар». Ориф Одилхонов.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Мумтоз наволар.
21.35 «Саҳна ҳаёти». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг «Амир Темур» спектакли ҳақида.
22.05 «Ватанни севмоқ иймондандир». Публицистик кўрсатув.
22.40 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 4-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам».
00.20—00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Ғайритабиий олам».
19.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
19.20 «Услуб».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Кундалик.
22.15 «Бебаҳо лаҳзалар».
22.25 «Спорт қитъаси».
22.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.45—23.55 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.
*
17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.35 «Кругозор». Тележурнал.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 «Ҳазил». Қисқа метражли бадиий фильм.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Канизак Изаура». Телесериал (Бразилия).
22.35 «Мовий қуш». Телефильм.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Тасвир».
19.40 «Сўз — сизга».
19.50 «Жаҳон».
20.10 «Авторейд».
20.20 Эълонлар.
20.25 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.15 «Спорт-тайм».
21.45 «Ракурс».
22.15 «Аёл».
22.45 «Дидар».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 1

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Виждон». Телесериал. 4-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Қувноқ ёз».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Она тили.
11.00 Инглиз тили.
*
11.30 М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти.
12.00 «Эзгуликка йўғрилган умр». Теленочерк.
12.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент, янги шаҳар».
12.25 «Мозий жавоҳирлари». Ат-Термизий мақбараси.
12.40 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.30 «Тилга эътибор».
18.55 «Европа таассуротлари».
19.10 «Замон билан ҳамнафас».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур ёлқинлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 «Япония ҳақида ҳикоялар».
21.40 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов куйлайди.
22.00 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
22.10 Ш. Холмирзаев. «Қадимда бўлган экан». Видеофильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Замин қалбига қулоқ тут».
00.20—00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 «ТВ плюс...»
19.00 «Нафис мажлислар».
19.15 «Мусиқий шарҳ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
23.00 Кундалик.
23.10 «Авлодимиз».
23.25 «Спорт қитъаси».
23.45 «Акс».
00.05— 00.20 « ТВ плюс...»
00.20 Кундалик.

III
*
17.15 Янгиликлар.
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.35 «Туш» катталар учун мультфильм.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Олғир товламачилар». Бадиий фильм (АҚШ).
23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 Эълонлар.
20.20 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 «Очиқ дарс».
21.55 «Игротека».
22.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Мусиқий хазина. «Эшвой».
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шарқ зарчашмаси».
9.10 «Таълим — тараққиёт пойдеври».
9.35 «Қизиқарли учрашувлар». Анвар Обиджон.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Оламни асранг».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
*
11.30 Эртаклар яхшиликка етаклар. «Малика ва Шаҳзода». Телетеатр.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси бадиий жамоалари яккахонларининг концерти.
12.40 «Оқ қоплоннинг зурриёти». Бадиий фильм. 2-серия.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Танаффус». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
18.45 Эстрада тароналари.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автоолам».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Тест — адолат мезони».
21.50 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Анстбакер Ўзбекистонда.
22.20 «Истиқлол рамзи».
22.35 «Виждон». Телесериал. 5-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Галатепалик авлиё». Қисқа метражли бадиий фильм.
00.20 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Кундалик.
18.10 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.45 Классик куйлар кечаси.
18.55 «Спорт қитъаси».
19.05 «Дойче-Велле» тақдим этади...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.40 Кундалик.
22.50 «Спорт қитъаси».
23.20 — 00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.15 Янгиликлар.
***
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.35 ЎзТВ хазинасидан. «Рақслар гулдастаси». Фильм-концерт.
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Сахий хонадонда».
20.00 «Спортлото».
20.10 Эълонлар.
20.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
21.05 «Автосалтанат».

21.15 «Мезон».
21.35 «Ҳуқуқ ва бурч».
21.55 «Нафосат гулшани».
22.25 «Таклифлар ва ташрифлар».
22.55 «Экстремал ўйинлар».
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 3

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мусиқа масканида бир кун».
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 5-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Дорбозлар». Қўқон шаҳридаги дорбозлар ва қўғирчоқ театрлари фестивали.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Физика.
11.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз».
*
11.30 «Санъат дўстликка чорлайди». Чарльз Ансбакер Ўзбекистонда.
12.00 «Маърифат маскани». Сирғали туманидаги молия-иқтисодиёт коллежи ҳақида.
12.30 «Яланғоч аёл портрети». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.35 «Эл тинчлиги йўлида».
19.05 «Ғазалхон ёшлигим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Туркистон — умумий уйимиз».
21.20 «Мумтоз наволар».
21.35 «Маърифатнома».
22.15 «Истиқлол тафаккури».
22.35 УзТВ хазинасидан. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мовароуннаҳр». Телефильм.
00.25—00.30 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 «Спорт қитъаси».
9.30 «Ғайритабиий олам».
9.45 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
10.05 «Услуб».
10.10 «Нафис мажлислар».
10.25 «Мусиқий шарҳ».
10.35 «Авлодимиз».
10.50 «Акс».
11.10 «ТВ плюс...»
11.25 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
11.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
12.15—14.05 «Кинонигоҳ».
* * *
18.00 Кундалик.
18.10 Бугун пайшанба дастурида.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.40 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «7 дан 70 гача».
21.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 Кундалик.
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 «Спорт қитъаси».
00.10—00.20 Кундалик.

III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20 — 20.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.35 «Хилол» студияси намойиш этади: «Замонавий дизайн».
*
21.00 — 21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Худди ота-боладек». Бадиий фильм (АҚШ).
23.00 — 23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02» тўлқинида».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Америкага бир назар». АҚШ Мустақиллиги кунига.
21.15 «Жаҳон дурдоналари».
21.45 «Интер-спорт».
21.55 «Каталог».
22.05 «Минг бир маслаҳат».
22.20 «Чинор».
22.50 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 4

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Гуллар юртининг дурдоналари».
8.35 «Юзма-юз».
8.55 «Маърифатнома».
9.35 «Халқ ижодиёти». Сибизға садолари.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент-97». Кимё.
11.00 «Абитуриент-97». Умумий биология.
*
11.30 «Кичкинтой устахонаси».
11.50 С. Абдулла. «Тоҳир ва Зуҳра». Йўлдош Охунбобоев номидаги Андижон вилоят театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Насаф» (Қарши) — «Хоразм» (Урганч).
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиат алифбоси».
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» (Тошкент) — «МХСК». «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан олиб кўрсатилади. 1-тайм.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» (Тошкент) — «МХСК». 2-тайм.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.30 «Мақом кечаси». Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.05 «Таҳлил». Публицистик кўрсатув.
22.30 «Мен қайтиб келгунча». Катталар учун мультфильм.
22.40 «Виждон». Телесериал. 6-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Қалдирғоч». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
00.35 — 00.40 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.15 «Ором онлари».
9.20 «Кўзмунчоқ».
9.35 «Кулгу дарғалари».
9.55 «Қўшиқлар жилоси».
10.10 «Жозиба».
10.25 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.50 Видео—«О».
12.20—12.50 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.30 «Телевидение ва театр».
18.45 «Ханда дўкони».
19.05 «Бугун кино оқшомида».
19.10 Эълонлар.
19.15 «Ахборот» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
Ёшлар дастури:
19.35 «XXI аср авлодлари».
«Сиз севган оҳанглар».
«Спорт қурраси».
«Камолот».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
23.00 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
23.30 — 00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.15 Янгиликлар.
*
6.30 — 8.00, 17.20—20.35 Россия жамоат телевидениеси.
20.35 «Мусиқа ҳамма учун».
*
21.00—21.30 Россия давлат телевидениеси.
*
21.30 «Шоирлар хиёбони». Телефильм.
22.00 Эълонлар.
22.05 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.35 Ирина Понаровская куйлайди.
23.00—23.20 «Ахборот» (рус тилида).

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
20.00 «Шаҳрим—фахрим».
20.30 «Монитор-Осиё».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Эльдорадо». Телесериал.
21.50 «Бу бўстон аро».
22.20 «Латофат».
22.50 «Азизим».
23.20—23.30 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
9.00 «Бир том остида». Мультфильм.
9.15 «Виждон». Телесериал.6-серия
10.10 «Шоҳруҳ клуби».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
10.30 «Баҳс».
10.50 «Таниш ва номаълум».
11.10 «Цирк! Цирк! Цирк !»
11.40 «Дардингизга малҳам бўлайин».
12.00 Мустақиллик кубоги. Бокс бўйича халқаро турнир.
13.00—14.35 «Нозигойим». Бадиий фильм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Мультолам».
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Санъат олами». Ўзбек кулолчилиги.
19.00 «Фан уфқлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистоннинг янги тарихи».
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.00 Диққат, премьера: Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 40-қисм.
22.35 «Сеҳрли шуъла».
«Тунги ёғду».
Дам олиш дастури:
23.05 «Куй ва тасвир».
23.25 «Зита ва Гита». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

II
9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...»
9.15 «Телевидение ва театр».
9.30 «Ханда дўкони».
Ёшлар дастури:
9.50 «XXI аср авлодлари».
«Сиз севган оҳанглар».
«Спорт қурраси».
«Камолот».
10.40 «Сизлардан ишорат». Мусиқий дастур.
11.10 «Кинонигоҳ».
12.50—13.50 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Шанба тақвими».
18.35 «Кўзмунчоқ».
18.50 «Ҳавас ТВ».
19.05 «Дубляж».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Олтин кент».
20.10 «Жозиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми».
Дам олиш дастури.
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Спорт қитъаси».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.12 Видео — «О».
00.10—00.20 «Даракчи».

III
16.15 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
16.20 Болалар учун фильм. «Кичик бола туфайли катта ташвишлар».
*
17.25—20.35 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Янги қасоскорлар». Телесериал (Англия).
22.20 «Геннадий Хазанов билан учрашувлар». 1-қисм.
23.00—23.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бўёқлар жилоси».

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 Кинонинг олтин асри. «Фан-фан тюльпан». Бадиий фильм.
11.00 «Шанба эртаги».
12.00 «Спектаклдан сўнг».
12.30 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
13.15—13.35 «Корейс тилини ўрганамиз».
***
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 Эълонлар.
20.10 Кинонинг олтин асри. «Қум конлари генераллари». Бадиий фильм.
21.40 «Рақслар қанотида».
22.10 «Чинсен».
22.40 «Хит-коллекция».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 6

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун. «Қўшиқ байрами».
12.00 Ю. Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 40-қисм.
12.35 «Ўзбекистон спорти».
12.50 «Боболардан қолган бу наво». Фильм-концерт.
13.20 «Улан». Бадиий фильм.
14.55 — 15.45 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Чамандаги гулларимиз».
18.20 «Ёшлар билан».
18.40 «Баҳодир Шоҳ Зафар». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир ўлка-ки...».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Қўшиқ ва яллалар.
21.35 Х. Султонов. «Чангак». Видеофильм.
22.35 «Футбол майдонларида»
22.55 «Савойя»нинг ўғирланиши». Бадиий фильм.
00.20 Эълонлар.
00.25 «Ҳафтанома».
00.55—01.00 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.35 Болажонлар экрани.
10.50 «Таянч».
11.10 «Мухлис ТВ-2».
11.25 «Умрбоқий мерос».
11.40 «Глобус».
12.05—13.45 Видео—«О».
***
18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ёрилтош». Мульттўплам.
19.00 «Табиат шифохонаси».
19.10 «Мухлис ТВ-2».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Қонун ҳимоясида».
20.10 Дилором наволар.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Глобус». Телеальманах.
21.30 «Мухлис ТВ-2».
21.45 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақвими.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 Видео—«О».
00.05—00.15 «Даракчи».

III
17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
17.30—20.50 Россия жамоат телевидениеси.
*
20.50 Эълонлар.
20.55 «Янги қасоскорлар». Телесериал.
22.35 «Геннадий Хазанов билан учрашувлар». 2-қисм.
23.10—23.35 «Панорама».

IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Парле ву франсэ».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.40 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Эълонлар.
11.55 Киносалон. Кристофер Ламберт «Қуролли кишилар» фильмида.
13.30 «Мусиқий олимп».
13.50 С. Спилбергнинг «Жағлар» фильми. 1-қисм.
15.25 «Подиум».
15.45 «Шу куннинг мавзуси».
16.00 «Сенинг вақтинг».
16.20 Кундузги сеанс. «Қутқариш командаси». Бадиий фильм.
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кучам».
19.20 «Фариштам».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Тошкент оқшомида».
20.35 «Иштирок этувчилар».
21.05 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.35 Эълонлар.
21.40 Киносалон. «Вахший». Бош ролда Арнольд Шварценеггер.
23.20 «Бу бошқа гап».
23.55—00.05«Хайрли тун!»

ШАФҚАТ НУРИГА КЎНГИЛНИ ТЎЛДИР!

АТОДИН ХАТО КЕЛСА КЎРМА ХАТО
САВОБ БИЛ ХАТО ҚИЛСА АТО.
АТОНИНГ ХАТОСИНИ БИЛГИЛ САВОБ
СЕНИ ЮЗ БАЛОДИН ҚУТҚАРГАЙ ХУДО!
АДИБ АҲМАД.

Зинҳор мерос олиш ҳирси билан ота-онанг ўлимини тиламагилки, уларнинг ризқи билан сенинг ризқинг етишади. Ота-онани ўлимини тиламагилки, чунки улар ҳаёт бўлсалар, ризқ мақсумдир (тақсимланган) ва у ҳар йўл билан сенга восил бўлади. Рўзий насиба учун ўзингни кўп ранж-машаққатга қўймагилки, рўзи ранж ва азоб-уқубат била зиёда бўлмагусидир, деган экан бир донишманд.

Оқибат

Дарҳақиқат, мерос, молмулк, уй-жой, зебу-зийнат талаб қилиб ота-онани тириклигидаёқ минг азобга солаётган ёки бўлмаса меросга ворис бўлиш илинжида инсонийликни йўқотиб, барча қабиҳликлардан қайтмаётган ака-укалар, опа-сингиллар ҳамон-ҳануз орамизда учраб турганлиги ва бу каби воқеалар алал-оқибат айрим ҳолларда фожеа билан ўз интиҳосига етаётганлиги кўпчиликнинг кўнглига озор етказмоқда.

Бўлиб ўтган бир ҳаётий воқеани эътиборингизга ҳавола этишдан аввал, Алишер Навоийнинг «Муншаот» («Ёзишмалар») асарини кўздан кечиришни лозим топдик. Зеро, бу асар билан бугунги кунларимизда содир бўлаётган меросга ворислик — «ўч»лик орасида қандайдир боғлиқлик мавжудки, буни зукко ўқувчи мақолани ўқигач, тезда фаҳмлай олади, деган ниятдамиз.

Улуғ алломанинг бу асари, ўз яқинларига турли вақт ва мавзуларда битилган мактубларининг йиғиндисидан иборат. Буларнинг кўпи Султон Ҳусайн Бойқаро, унинг ўғиллари ва шоирнинг ўз яқинларига ёзилган мактубларидир. Шулардан бири, шаҳзода Бадиуззамоннинг отасига қарши тахт, мол-мулк ва бойлик илинжида қўзғалон кўтарганлиги оқибатида битилган хатдир.

Тадқиқотларда таъкидланишича, бу шум хабар шоирга етиб келганда, у эндигина саҳар намозини тамомлаб, шеър битишга ҳозирлик кўраётган пайт эди. Шоирнинг кўнглига замон мушкулотларини бартараф этиш, кишиларни яхшилик ва хайрли ишларга ундовчи фикрлар қуйиларди. Кутилмаган бу хабар уни қаттиқ ҳаяжонга ва изтиробга солди. Мутафаккир шаҳзодага қанчадан қанча насиҳатлар қилган эди. Минг афсус...

«Хамса»даги ўгитлар унга айтилган эмасмиди? Мамлакат осойишталиги, шу оиланинг тинчлигига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини, беюз шаҳзодаларга қайта-қайта уқдирмаганмиди? Шу ўйлардан кейин, шоир шиддат билан хат ёзишни бошлади. «...Гараз бу муқаддимотдин улким, бу банда доим сизга давлатхоҳлик сўзин айтибмен ва сизни умри давлатдин бир хурдор тилаб дуо қилибмен ва ҳар номуносиб ишким, сиздин кўрибмен, сизга айтибмен, балки китобларимда насиҳатлар назм қилиб, арзингизга еткурибмен...»

Мутафаккир ўз хатида шаҳзодага танбеҳ бериб, вилоят молини бемаслаҳат олиб турганини, Астрободни бермайман, киши юбормангиз, деб отасига саркашлик қилгани учун уни койийди. Айни пайтда, Ироқ вилоятларини улашгани хато эканини уқдиради. Бу ишларни отаси билан бамаслаҳат қилиши кераклигини таъкидлайди.

Шунингдек, шоир шаҳзодага кўп ҳолларда ўртага тушганини ва барча бўлиб ўтган гаплардан хабардор эканини эслатиб ўтади. Инчунин, Астрободни шаҳзодага берилгани, Ироқ ҳам фатҳ этилса унга тайин этилишини айтиб, буларнинг эвазига отасига нисбатан яхши муносабатда бўлишлигини ёзади. Сўнгра оталарча қойийди: «Ҳануз ҳеч ерда ҳеч нима йўқ бу навъ суратларким, зоҳир бўладир — Сиздан хайфдир».

Мактубнинг охирида шаҳзода унинг сўзларига қулоқ осар, деган умиди борлигини билдиради. Агар маъқул тушмаса «бу банда айтур сўзни бўйнимдан адо қилмиш бўлғаймен», — деб қўшиб қўяди. Хатни тугатгач, шоир уни бир марта ўқиб чиқади. Муҳрлаш олдидан яна бир жумла қўшади. «Бу арзодошт Мирзо буйруғи билан эмас, балким вуқуфлари ҳам йўқдир. Хаёлингизга келмағай — буйруқ била битибдир. Чун сизнинг тобуғингизга айтурча давлатхоҳлик сўзини айтурға маъмурмен. Ул жиҳатдин густоҳлик билан арзодошт битилди». У мактубга муҳр босади ва одамларидан бирига зудлик билан шаҳзодага етказишни буюради...

Энди юқоридаги воқеа тафсилотига қайтсак. Қурбон отани қўшни маҳаллада учта бадавлат киши бўлса, биттаси шу одам, деб ҳисоблашади. Гарчи олий маълумотли бўлмасада — уддабурронлиги, тиниб-тинчимаслиги оқибатида «пулни — пулга урштириб», бойиб кетган. Ўғиллари — Усмон, Даврон, Шодмонларга ҳам ёшлигидан қаттиққўллик билан пул топишнинг йўлларини ўргатди. Ўғиллар ота сингари бирон институтда ўқишмаган бўлсада, тиришқоқликлари билан бевосита ва билвосита ота ёрдамида тезда «катта даврлар»га чиқиб, ўзларини тутиб, ҳар бири алоҳида-алоҳида «дом»ли, янги иморатли, енгил автомобилли бўлишди.

Аммо ота ва фарзандлар аҳиллик, меҳр-оқибат, бировларга яхшилик қилиш тўғрисида ўйламадилар. Мана бугун оқибатсиз фарзандлардан норизо бўлиб юрибди. Биз Қурбон отага ён босгимиз келади. Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бу оқибатсизликларнинг илдизи ота насиҳатларига бориб тақалади. Зеро, у фарзандларига маънавий бойлик беролмади, фақат уларни иқтисодий жиҳатдан бойишга ўргатди, холос.

Бойвачча ўғиллар қавм-қариндош, қўни-қўшни, маҳалла-кўйнинг қувончу-ташвишларига аралашмай ўсдилар. Шундай пайтларда Қурбон ота уларни қойимади. Энди отанинг касалланиб қолганидан, аввалги қаттиққўллигию, шижоати сўнганидан фойдаланган ўғиллар аравани ҳар томонга тортмоқдалар. Улар отанинг кўз ўнгида унинг бойликлари, қўша-қўша машиналари, данғиллама иморатларига ворис бўлиш ниятида бир-бировидан ким ўзарга «уруш-талаш»ни кучайтириб юбормоқдалар.

Эмишки, Усмон катта ўғил сифатида тўнғичини ота ҳовлисига уйлантирмоқ ниятида бўлса, Даврон эса онамнинг ўлигини кўмганим учун бу ҳовли-жойга мен эгалик қиламан, дейди. Шодмон ҳам улардан қолишмай, барча мерос кенжалигим туфайли менга тегишли демоқда.

Қурбон ота ва ўғиллари можароларига аралашган яқинларнинг гаплари ҳозирча бир пул бўлиб турибди. Сўнгги пайтда ота ёлғиз қолдим, уйланаман, — деган гап чиқарди. Энсалари қотган ўғиллар, мерос илинжида даҳанаки жангларни янада қизитиб юбордилар.

Ниҳоят, ота бир қарорга келди шекилли, барча молмулки, уй-жойини қизига хатлаб беришга қарор қилди. Лекин куёв ориятли йигит эканми, қайнотасини уйида туролмаслигини айтди. Бу билан биз бировни «оқ», бошқасини «қора», ким ҳақу-ким ноҳақ демоқчи эмасмиз. Булардан хулоса чиқариш, ҳар кимнинг ўз виждонига ҳавола. Аммо бу каби мерос можаролари қавми-қариндош, маҳалла-кўй олдида жуда хунук кўринишга эга эканлигини таъкидламоқчиман.

Бир донишманддан сўрабдилар.

— Йигитлар учун қандай нарса яхшироқ?

— Шарм-ҳаё ва баҳодирлик, — деб жавоб берибди у.

Яна ундан:

— Қариларгачи? — деб сўрабдилар.

Донишманд:

— Сабр ва маърифат, — дебди.

Ҳа, азизлар! Инсонлардан инсоф, иймон кўтарилмаслигини, йигитларга шарм-ҳаёли, илмли, қариларга эса сабр-қаноатли бўлишни тилаймиз. Ва албатта, юксак маънавиятли, комил инсон даражасига кўтарилишлик — ҳар бир инсонга насиб айласин!

Баҳодир ВАЛИЕВ.

Салқин сўқмоқлар бўйлаб.
Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ПИЁЗ ОСТИДА... СЕЛИТРА

Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Рихсибой Эгамтоевнинг Жиззахга сафари бурнидан булоқ бўлиб чиқди. Қайтишда Сирдарёга 8-божхона пости ходимлари қўлига тушиб роса изза бўлди.

Фельетон ўрнида

Ҳамма айб ўзида. Ҳужжатсиз мол олмаганида йўли очиқ эди. Олдинига Жиззах туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Ўразали Сувоновдан уч тонна селитрани 9000 сўмга сотиб олиб У. Товбаевнинг В 84—25 ДБ давлат белгили юк машинасига ортди. Ҳужжатсиз молни божхоначилар кўриб қолиб ишкал чиқармасин, дедида сўнг машинасини Жиззах шаҳар бозорига солди. Бу ердан 27 минг сўмга уч тонна пиёз олиб селитранинг устига босди. Мана энди иш режали бўлди, деб уйига йўл олган пайтда божхоначилар йўлини тўсди. Бу ерда пиёз остидаги маъданли ўғитнинг «ҳиди» чиқиб қолиб иш чиппасига айланди.

Божхоначилар суриштирув ишларини ниҳоясига етказгунча Рихсибой пост олдида сарғайиб ўтирди. Яхшиям Ўрозали орқага тисланмай селитра сотганлигини бўйнига олди. Савол-жавоб пайтида унинг уйида яна 98 қоп селитра борлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Жамоа хўжалигига тегишли бўлган шунча ўғитни Ўрозали юрак ютиб ўз уйига ташиб олганлигига божхоначилар қойил қолишди. Мана энди Рихсибой билан бирга у ҳам жамоа мулкига кўз олайтирганлиги учун савол-жавобга тутилмоқда.

Одамларнинг соддалигига ҳайрон қоласан, киши. Рихсибой шунча пул сарфлаб селитра сотиб олган экан, нега молнинг ҳужжатларини суриштирмайди. Ахир унинг ўғирлик мол эканлигини ёш бола ҳам билади-ку. Чунки, дўконларда қоп-қоплаб селитра сотилмайди, мукофотга берилмайди. Фақат жамоа хўжаликларига пул ўтказиш йўли билан юборилади. Бригадир Ўрозали эса билса ҳазил, билмаса чин деб селитра ортган машиналарни ўз уйига бошлаб келаверибди. Ахир шаҳар бедарвоза эмас-ку, ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби, кирим-чиқими бор-ку.

Айрим кишилар ҳаммадан кўра ўзларини дономан деб ҳисоблашади-ю бироқ қовун туширириб қўйишганини билишмайди. 5-Қўйлиқ мавзесида истиқомат қилаётган Глафира Николаевна Шевченко шундай одамлардан бўлиб чиқди. Тўғри, у ўзини бошқалардан ақлироқман дейишга ҳақли. Кимсан, Тошкентдаги номдор «Георг-Прогресс» фирмасининг раҳбари. Ёши ҳам улуғ. Элликдан ошиб олтмишга қараб кетаяпти.

Глафира Николаевна яқинда Москвага учаётганида 15 минг АҚШ долларини «ҳиди»ни чиқармай ўзи билан олиб кетмоқчи бўлди. Саволжавоблар пайтида ўзини бечорасифат, соддадил қилиб кўрсатмоқчи бўлди. Йўқ божхоначилар бўш келишмади. Пировардида шубхалари ўринли бўлиб чиқди. Божхона кўриги пайтида у беркитган долларларни чиқаришга мажбур бўлди.

Шаржа шаҳри томон учаётган тошкентлик Муҳаббат Қўчқорова ҳам чет элда бир кунимга яраб қолар деб 1500 долларни яширин ҳолда олиб кетаётган экан. Божхона назоратидан ўтиш пайтида сир очилиб қолса бўладими. Иш жойининг тайини бўлмаган Муҳаббатхон қандай йўллар билан доллар топаётганлигини ҳозир ҳуқуқни муҳофаза этиш ходимлари аниқлашяпти.

Яна бир юртдошимиз — Сергей Юрьевич Красиковнинг ишқи рус рубларига тушган экан. Азамат емай-ичмай 28 миллион 200 минг рус рублини йиғиб энди Новосибирскка учаман деб турганда Тошкент аэропортидаги 11-божхона пости ходимлари қўлига тушиб қолди. Ҳозир ушбу ҳолат бўйича божхона текшируви олиб борилаяпти.

Божхоначилар чегараларимиздан ўтиб турган одамларни ҳам, машиналарни ҳам ҳушёр туриб кузатмоқдалар. Яқинда Бекобод туманидаги 20-Ўратепа божхона пости ходимлари Ўзбекистонга Тожикистон томонидан яёв келаётган бир аёлни тўхтатиб сўроққа тутдилар. Сўнг уни божхона кўригидан ўтказишга қарор қилдилар. Шунда тожикистонлик Марҳамат Қорабоеваенинг спорт сумкасидан 2 килограмм опий чиқди. Ушбу ҳолат бўйича ҳозир Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси ходимлари суриштирув ишларини олиб бормоқдалар.

Марҳаматхоннинг аёл боши билан келиб-келиб оғуфурушликка қўл урганлиги ниҳоятда афсусланарли ҳол.

Ахир Қонунда таъқиқланган иш билан шуғулланишнинг охири вой-ку. Наҳотки шуни эсли-ҳушли одам тушуниб етмаган бўлса. Марҳаматхон бошига тушган иш бошқаларга сабоқ бўлиши керак.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати раҳбари.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

(турли заҳарли дориларга на ҳожат)

Ўқинг, қизиқ

◆ Агар мисдан ўроқ ясаб, «Арҳор» деб аталадиган катта ёшли эчки қонидан унга сув берилса, сўнг ўша ўроқ билан ҳар қандай гиёҳ ўрилса, у гиёҳ қайта кўкармайди. Яна айтишларича, ой маҳокда (эски ой тугаётган ва янги ой чиқаётган даврдаги ойсиз қоронғи тунлар, бу даврни «ой ораси» ҳам дейдилар) бўлиб, сунбула (ой номи, 22 августдан 21 сентябргача бўлган давр) ёки жадий (ой номи, 22 декабрдан 21 январгача бўлган давр)да чиқаётган маҳалда ҳар қандай гиёҳ қирқилса, у гиёҳ қайта унмайди.

◆ Агар ток кесадиган арра от ёғи билан ёғланса ва бу ҳақда ҳеч кимга айтилмаса ёки арра мол ёғи ёхуд бақа қони билан бўялса, шу арра билан кесилган ток совуқдан саломат қолади.

◆ Агар икки дона қисқичбақани олиб, сувли идишга солиб, устини ёпган ҳолда ўн кун оптоб тиғига қўйилса, сўнг саккиз кун ўша сувдан дарахтга такрор сепиб турилса, барча офатлардан соғ-омон қолади. Буни ҳар йили бир марта амалга ошириш мумкин.

◆ Агар дарахт мева қилмаса, бир киши қўлига болта олиб, этагини белига қистириб, енгларини шимариб, ўзини ғазабланган қилиб кўрсатади,сўнг дарахт томонга қараб югуради ва: «Дарахтни томири билан кесиб ташлайман» деб қасд қилади. Бошқа киши келиб, дарахтни ҳимоя қилади ва унга: «Бу йил тегма, келаси йил мева қилади!» дейди. Худо фармони билан келаси йили мева қилади ва бу тажриба қилиниб кўрилган.

◆ Агар кўрғошиндан бир ҳалқа ясаб, дарахт танасининг ердан озроқ баланд қисмидан айлантирилса, ўша дарахтнинг меваси зиёда бўлади ва меваси ҳеч тўкилмайди.

«Зироатнома»дан Усмонали ҲАМИДОВ тўплади.

Муштарий илҳомлари

КЕЛМАДИ

Дилбарим ўтди баҳор, сендек баҳорим келмади.
Ўйларим афтодаҳол, селдек мақомим келмади.
Келмаганингдан йўқ нишон, йўқсен тушим кўзгусида,
Бўзласам тонгларда зор, ҳамроз дўторим келмади.
Базми маҳшар сайлида, кимлар билан этдинг гурунг?
Айласам рашк ҳар наҳор, «ахбор»и борим келмади.
Бош суқиб маҳшарга бир, ҳол сургали йўқдир илож,
Бош суқиб кетганки бор, — маҳшар сўрорим келмади.
Дил туйнугин очдим-у, беҳиштга бир солсам нигоҳ,
Кўшки маҳшар ичра ёр, васли ниҳоним келмади.
Анда минг бир посибон эркан улуғ алломалар.
Рашк ўти топғоч завол, моҳимга орим келмади.
Мен дедим, минг имтиҳон, фоний жаҳон ичра экан,
Моҳият ўтмак ҳалол, чорлов қарорим келмади.
Кимки аъло топширур, фоний жаҳоннинг машқини,
Ҳеч дема, йиғлаб-ла зор, «маҳшарда норим келмади».
Укди-ю мамнун бўлиб, ёрқин жаҳон илмин зако,
Ҳақ таниб бўлғоч ҳалол, Ҳақга малолим келмади.
Воҳки Турсун, бу даҳр, эркан камолот саҳнаси,
Келди-ю кўшки камол, руҳи омоним келмади.

Турсун МУҲАММАД.

БОҚИШЛАРИНГНИ ЭСЛАДИМ

Севар эдим, севар эдинг,
Суйишларингни эсладим.
Йиғлар эдим, кулар эдинг,
Кулишларингни эсладим.

Мажнун эдим, Лайло эдинг,
Гуллар аро раъно эдинг.
Жон эдинг, жонон эдинг,
Оғушларингни эсладим.

Чиройлисан, ҳам доносан,
Қуёш, ойдай ягонасан.
Нурлар сочиб, қалбимни сен,
Ёқишларингни эсладим.

Не ҳолдаман, не ҳолдасан,
Билмам, мендан олисдасан,
Аҳмад Турон жонидасан,
Боқишларингни эсладим.

Аҳмад ТУРОН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЯНГИЙЎЛ ТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕЖИ

1997-1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Янгийўл технологик коллежи икки босқичда мутахассислар тайёрлайди — I босқичда ўқийдиганлар коллеж дастури асосида ўқиб «ТЕХНИК-ТЕХНОЛОГ» ихтисослигини эгаллайди. II босқичда ўқишни давом эттирадиганлар учун ўқув муддати 1 йилу 1 ойга узайтирилиб, Олий ўқув юрти дастури асосида билим оладилар. Бу босқичда битирувчилар «КИЧИК МУҲАНДИС» мутахассислигини эгаллаб, муҳандислик лавозимида ишлаш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЯНГИЙЎЛ ТЕХНОЛОГИК КОЛЛЕЖИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА:

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, НАЗОРАТ ВА ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАҲЛИЛИ (9 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.

МОЛИЯ (Давлат бюджети). 9 йиллик маълумот билан.
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 3 йил.

БИОХИМИЯ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (9 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

ЁФ ВА ЁФ ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати — 2 йилу, 6 ой.

НОН, МАКАРОН ВА ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.

ВИНО ТЕХНОЛОГИЯСИ (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 2 йилу 6 ой.

ҲУҚУҚШУНОСЛИК (11 йиллик маълумот билан).
Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.
Ўқиш муддати 2 йил.

СИРТҚИ БЎЛИМИГА:
(11 йиллик маълумот билан).
ЁФ ВА ЁФ ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.
ВИНО ТЕХНОЛОГИЯСИ.
ҲУҚУҚШУНОСЛИК.

Кириш тўғрисидаги ариза коллеж директори номига танланган ихтисосини кўрсатган ҳолда ёзилади.

АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асл нусхаси), 086 шакл бўйича соғлиғи ҳақида маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4 ҳажмда), бош кийимсиз. Абитуриент коллежга келганда туғилганлик тўғрисида гувоҳнома, паспорти, ҳарбий билети ёки ҳисобида турганлик гувоҳномасини шахсан кўрсатадилар.

Сиртқи бўлимга кирувчилар меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки ишлаётгани ҳақида маълумотномани топширишлари керак.

КОЛЛЕЖГА КИРУВЧИЛАРДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМИГА:
11 синф ҳажмида — 25 ИЮЛГАЧА.
9 синф ҳажмида маълумотлилардан — 31 ИЮЛГАЧА.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:
25 ИЮЛГАЧА.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
9 синф ҳажмида ҳужжат топширганлар учун — 1 АВГУСТДАН.
Тест синовидан ўтиш — 11 АВГУСТДА.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
9 синф маълумоти билан: Математика (оғзаки), ўзбек (рус) тилида, диктант.
11 синф маълумоти билан кундузги ва сиртқи бўлимга кирувчилар учун:
ТЕХНОЛОГИК МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА: химия, ўзбек тили ва адабиётидан.
ҲУҚУҚШУНОСЛИК МУТАХАССИСЛИГИ БЎЙИЧА: тарих, ўзбек тили ва адабиётидан тест синовлари ўтказилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 403-уй.
ТЕЛЕФОНЛАР: 26-184; 26-219; 26-212.

Об-ҳаво

28 июнь — 2 июлгача

Шу муддат бошларида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ёғингарчилик кутилмайди. Тоғли ҳудудларда қисман ёмғир ёғиши, муддатнинг охирларига бориб ҳарорат пасайиши мумкин. Кечалари 17-23, кундуз кунлари 32-37 даража иссиқ бўлади.

Сергели тумани ҳокимлиги томонидан Манзура Солиевна Ғофуровага берилган 600657 рақамли патент йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилоят «ТАДБИРКОР» БАНКИнинг ОҲАНГАРОН БЎЛИМИ **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида Оҳангарон шаҳри, «Тадбиркор» банкидаги тугатиш комиссиясида қабул қилинади.

Қибрай туманидаги 31-мактаб томонидан 1996 йилда Зокиров Суннатилла Ҳусниддинович номига берилган ИZА № 094966 ва Азларов Аҳмад Расулович номига берилган ИZА № 094964 сонли шаҳодатнома йўқолганлиги туфайли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти иқтисодиётстат бош бошқармаси ва унинг Статистика бошқармаси жамоалари Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари — Давлат статистика департаменти бошлиғи Ғофур Қудратовга падари бузруквори
Собир ҚУДРАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0364. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 13.352 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.40. 1 2 3 4 5 6